O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 28 февраль №42 (3316) Шанба


Олий Мажлисда



*Бугун жаҳон ҳамжамияти олдида озон туйнуклари орқали инсон ҳаётига хавф солаётган қатор муаммоларни ҳал этиш вазифаси турибди. Табиийки, Ўзбекистон ҳам бу халқаро масала ечимини топишда бурчлидир. У озон қатламини бузувчи моддаларга доир 1993 йилги Монреаль протоколи ҳамда озон қатламини асрашга доир Вена конвенциясида иштирок этмоқда.*

## Экологик хавфсизлик учун

Кеча Олий Мажлиснинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг қўшма йиғилишида мазкур халқаро ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасида ижроси масаласи муҳокама қилинди. Таъкидланишича, бу борада юртимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Стратосфера азон қатлами Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармасида 1994 йилдан буён мунтазам назорат қилинмоқда. Кузатув натижалари дунёнинг тегишли идораларига юборилмоқда.

Халқаро мажбуриятлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 24 январда алоҳида қарор қабул қилди. "Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида" деб номланган мазкур муҳим ҳужжатга кўра, Миллий дастур тузилди. Унда Ўзбекистонда озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатишга доир кўрсатмалар белгиланган. Кейинги пайтда ушбу қатламга зиён етказувчи моддалардан аста-секинлик билан воз кечилаётир. Жумладан, Монреаль протоколининг "А" ва "Б" иловалари бўйича қатламга салбий таъсир етказувчи воситаларни республикамизга олиб кириш 2002 йилда тўхтатилди.

Йиғилишда юртимизда халқаро меъёрий ҳужжатларнинг бузилиши ҳолатларига қарши курашни кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Яқинда озон қатламини емирувчи 300 килограмм миқдоридаги моддалар юртимизга олиб кирилаётганда божхона хизмати ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди. Шунингдек, халқаро ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги рўй бераётган сусткашлик ҳолатларига барҳам бериш лозим.

Йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлиснинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 1999-2005 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ахбороти тингланди.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Диққат: ТАНЛОВ!

Бу йил Ўзбекистонда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилинган. Бу ўзбек халқига хос азалий одат, ҳеч ким, ҳеч қачон бошқа миллат кишиларини дини, рангига қараб ажратмаган.

Болаларга нисбатан эса меҳримиз бўлакча. Кимдир тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан, мурувватидан ва қалб қўридан маҳрум бўлган бўлса, унга нисбатан эътиборимиз янада ошади. Улар учун мамлакатимизда ўнлаб замонавий жиҳозланган Меҳрибонлик уйлари бунёд этилган. Уларда болаларга шундай ғамхўрлик кўрсатиладики, кичкинтойлар ўзларини етим деб ҳис этмайдилар.

Шу билан бирга бундай болаларга яна бир бор ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Маълумки, Ўзбекистоннинг минглаб корхона ва ташкилотлари, хусусий фирмалар, оддий одамлар бу болаларга имкониятлари даражасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Яна кўп одамлар бундай меҳр-мурувват кўрсатиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишни истайдилар, аммо қандай йўл тутишни билмайдилар. Уларнинг кўпчилиги бу болаларни ўғил-қиз қилиб, ўз қарамоқларига олишни хоҳлайдилар-у, буни қандай расмийлаштириш учун қайси идорага мурожаат қилишни билмайдилар.

Тан олиш керакки, бу соҳада юзага келган вазият ҳақида жамиятимизда маълумот етарли эмас. Бу борада оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган мақолаларда воқеаларга бир томонлама ёндашилмоқда, ачинарли ҳаёт тасвирланмоқда.

Шу муносабат билан "Сен ёлғиз эмассан" Болалар жамоатчилик жамғармаси республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ота-онасиз ўсаётган болалар ҳаётига бағишлаб матбуотда, интернет нашрларда берилган энг яхши мақолалар, радио эшиттиришлари ҳамда телевидение кўрсатувлари, аудио ва видео роликлар тайёрлаш учун танлов эълон қилади.

**Танлов шиори: «Бахт-иқбол... ҳуқуқига эгаман».**

Танловга 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш кунида якун ясалади.

*Танлов мақсади — фуқароларда Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардаги мавжуд аҳволга шахсий масъулиятни оширишга қаратилган.*

Танловга оммавий ахборот воситаларида 2004 йил 1 мартдан 2004 йил 15 майигача эълон қилинган материаллар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар билан 136-73-76 сонли телефон ва info@sen.uz электрон почта орқали танишишингиз мумкин.

**Ғолиблар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:**

*Матбуотда, Интернет нашрларда эълон қилинган энг яхши мақолалар учун:*

**1 ўрин — 200.000 сўм**
**2 ўрин — 125.000 сўм**
**3 ўрин — 75.000 сўм**

*Телевидениеда кўрсатилган энг яхши туркум (6 кўрсатув) учун:*

**1 ўрин — 500.000 сўм**
**2 ўрин — 300.000 сўм**
**3 ўрин — 150.000 сўм**

*FM радиодаги (6 эшиттириш) энг яхши туркум эшиттиришлар учун:*

**1 ўрин — 100.000 сўм**
**2 ўрин — 75.000 сўм**
**3 ўрин — 50.000 сўм**

**Энг яхши видеоролик учун — 100.000 сўм.**

**Энг яхши фото ва фоторепортаж учун — 200.000 сўм.**



## Фермер — ишбилармон ва саховатли

*Бу гап Марҳамат туманидаги «Юқори ҳосил» фермер хўжалиги раҳбари Умаржон Шодмоновга аталгандай (суратда). Негаки, у ўтган йили 15 гектар ернинг ҳар гектаридан 40,6 центнердан пахта, шунча майдондан гектар ҳисобига салкам 54 центнердан дон етиштирган бўлса, даромаднинг бир қисмини хайрия мақсадларига сарфлаган эди. 2004 йил — Меҳр ва мурувват йилида эса у пахта ҳосилдорлигини 45, ғалла ҳосилдорлигини 60 центнерга етказмоқчи. Қўлга киритилган соф фойдадан, албатта, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга саховат кўрсатилади.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири О.НОРБЕКОВ).***

Халқаро ҳамкорлик марказида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳузурида ташкил этилган ўзбек-япон маркази бизнес курсининг навбатдаги битирувчиларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато тадбирда сўзга чиқиб, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик, ўзаро дўстлик, маданий ҳамда маънавий-маърифий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ўзбек-япон маркази бизнес курсининг ташкил этилиши ва фаол иш олиб бораётгани ҳам ана шундай самарали ҳамкорлик натижаларидандир.

Мазкур курсда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб борилаётган ҳозирги шароитда тадбиркорлик оламига кириб келаётган ёш ишбилармонларга жаҳон иқтисодиёти меъёрларига мос фаолият юритиш, айниқса, менежмент ва маркетингни ташкил этиш бўйича машғулотлар ўтилади.

***Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди***

*Давронжон Юсупов учун биржачилик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ота касб эканлиги суҳбатимиз аввалидаёқ аён бўлди. У гурунгимизни Фарғона вилоятида, бутун водийда биржа, товар олди-сотдиси, мол айирбошлаш билан боғлиқ воқеаларни мароқли ҳикоя қилишдан бошлади.*

## Электрон биржа савдоси

*барчага маъқул тушмоқда, — дейди республика Товар-хомашё биржаси Фарғона филиали раҳбари Давронжон ЮСУПОВ*

— Кўпчилик биржалар орқали товар олди-сотдиси юртимизга ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида бозор иқтисодиёти тамойилларининг шаклланиши орқали кириб келган, деб ўйласа хато қилади. Азалдан ота-боболаримиз ҳозир урф бўлган биржа савдоларини Ғарбнинг ривожланган савдолари даражасида амалга оширишган, — дея суҳбатни давом эттирди Давронжон. — Биргина мисол. Момомнинг ҳикоя қилишича, катта бобом Толиб тижоратчи ўтган асрнинг бошларида пахта олди-сотдиси билан шуғулланган. Қиш бўйи у киши Тошкент, Оренбург, Сибирь томонлардан деҳқонлар эҳтиёжи учун зарур оддий техника, уруғлик, ўғитлар, қоп-қанор сингари нарсаларни олиб келар, эрта баҳорда бу «ашқол-дашқол»ларни тўрт-беш аравага ортиб, қишлоқларга йўл олар экан.

Айтишларича, кетмон кўтариб далага чиққан деҳқон билан кўкламдаёқ пайкал бошида кузда йиғиштириб олинадиган ҳосил хусусида шартномага бармоқ босилган. Деҳқонга шу ернинг ўзида бўнак тариқасида пул деса маблағ ёки уруғлик, ўғит, оддий техника, қўйингки, эҳтиёжига нима зарур бўлса, етказиб берилган. Бу бугунги кунда Ғарбда кенг қўлланилаётган фючерс шартномасининг ўзи эмасми?

Бармоқ босилиб, қўл олингандан сўнг етиштирилган ҳосилга эгалик ҳуқуқи брокер-даллол зиммасига ўтган. Бобом ҳар йили камида 50-60 нафар деҳқон билан фючерс шартномаси имзолаган. Бу шартномаларнинг бир қисмини ўша пайтда Қўқонда фаолият кўрсатган «Қўқон-Фарғона» биржаси орқали четдан ташриф буюрган харидорларга сотиб юборган, бир қисм пахтани эса ўзи биржа савдосига қўйиган. Демак, ота-боболаримиз азалдан бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч — биржа савдоси қонунларини жуда яхши билиб, пухта ўзлаштириб олишган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида Юртбошимиз Товар-хомашё биржаси фаолияти ҳақида тўхталиб, «Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча қабул қилинган қарорига биноан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим товарларни истисно қилганда, ҳар хил квоталар, лимитлар асосида товар ва моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш тизимининг ўзи тўлиқ бекор қилинди», деб таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Марказлаштирилган тақсимлаш тизимини парчалаб ташлаган бу ҳужжатни биз ўн йиллаб кутган эдик.

Фикримни асослаб, далиллаб беришга ҳаракат қиламан. Ривожланган мамлакатларда маҳсулотлар, хомашёларнинг асосий қисми биржалар орқали сотилади. Биздаги энг харидоргир, юқори ликвидли товарлар олди-сотдисини турли вазирликлар, компаниялар, бирлашмалар эгаллаб олган. Уларни хоҳлаган мижозига истаган нархда сотади. Товарни расмийлаштириш, сотиб олишдаги тўрачилик, таъмагирлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Товарни бозор доирасида сотадиган биз, биржачилар эса фақат атторлик билан, майда-чуйда нарсалар савдоси билан шуғулландик, холос. Масалан, ўтган йили филиалимиз орқали сотилган товарларнинг ярмидан кўпроғини кичик корхоналар томонидан тайёрланган пахтали фуфайка, қўлқоп сингари моллар ташкил этди. Ахир, булар вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юзи-кўзини, қиёфасини белгиламайди-ку?!

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН: ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ — 2003

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ туб иқтисодий ўзгаришлар, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасида ўз йўлини танлади. Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисида сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек, эски маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан эркин, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича танлаган моделимиз тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

2003 йил давомида ўтказилган сўровлар якунлари бўйича комплексли мониторинг тартибида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ижтимоий тадқиқот ҳам буни тасдиқлайди. Бундан кўзланган мақсад республикамизни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришни баҳолашда жамоатчилик фикрининг асосий йўналишлари, кўрсаткичлари, шунингдек, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий институтларига бўлган муносабатини аниқлашдан иборат эди.

1998-2003 йилларда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровларининг қиёсий натижалари ижобий баҳоларнинг ортиб бораётганлигидан далолат беради. Бунда сўровда иштирок этган ҳар икки кишининг бири иқтисодий ислоҳотлар бир маромда амалга оширилаётганини айтган. Ислоҳотларнинг изчил, босқичма-босқич ўтказилаётгани, "шок терапияси" моделидан воз кечиш, мамлакатнинг миллий ва демографик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда аниқ йўналтирилган ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ижтимоий-иқтисодий вазиятлардан қониқиш юқори даражада эканини англатади.

Аҳолининг республикамиз сиёсий ривожланишига берган баҳоси ҳам жуда юқори. Сўровда иштирок этганларнинг фикрича, барқарорлик, тинчлик ва хотиржамлик Ўзбекистондаги сиёсий вазиятнинг асосий белгиларидир. Буни фуқароларнинг аксарияти (97,7 фоизи) ижобий баҳолайди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, аҳолининг мамлакат хавфсизлиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлиги ишончли ҳимояланганига



бўлган ишончи Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсат натижасидир.

Жамоатчиликнинг республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит юзага келаётганига ишончи комил. Сўралганларнинг кўпчилиги Ўзбекистонда тадбиркорлар, фермерлар ва хусусий тармоқнинг бир маромда фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий (66,9 фоиз), ижтимоий (62,4 фоиз) ва иқтисодий (59,7 фоиз) шароитлар яратилган, деган фикрни билдиргани ҳам бунга асос бўла олади.

Пул жамғармасининг мавжудлиги эса одамлар турмуш даражаси юқорилигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Сўровлар давомида жамиятимизда аҳоли томонидан пул маблағларини тўплашга бўлган ижобий йўналиш кузатилаётгани аниқланди.

Одамларнинг ўзи яшаётган мамлакатга нисбатан муносабати кўрсаткичларидан бири миграция масаласидир. Ўтказилган сўровлар шуни кўрсатадики, сўралганларнинг аксарияти (86,3 фоизи) Ўзбекистондан бошқа мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетишни истамайди. Бу жамиятимизда ватанпарварлик ҳиссининг кучлилиги, миллатлараро муносабатларнинг уйғунлиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликдан дарак беради.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, 2003 йилда Ўзбекистонда фуқароларнинг турли жамоат институтлари, ижтимоий қатламлар ва аҳлоқ меъёрларига бўлган муносабати ўзгарди. Сўралганларга мустақилликдан кейинги ўтган йиллар давомида аҳолининг ҳаётий нуқтаи назари қай даражада ўзгарганини баҳолаш таклиф этилди. Бундан шу нарса маълум бўлдики, анъанавий қадриятларни сақлаш билан бир қаторда қонун ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишдек демократик қадриятлар мавқеи ҳам ортмоқда.

Шунингдек, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларда жиддий ижобий силжишлар ҳам кузатилмоқда. Жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш муҳимлиги ва зарурлиги тушунчаси ўсиб бормоқда. 1998-2003 йиллардаги сўровларнинг қиёсий натижалари шундан дарак берадики, инсон ҳуқуқлари омма онгининг базавий тушунчаларидан бирига айланмоқда. Сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги (74 фоизи) давлат учун ҳозирги босқичда биринчи навбатда, ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинлигини, кейин жамият манфаатини таъминлаш асосий вазифа, деб ҳисоблайди.

Сўровларда Конституциямизнинг одамлар кундалик ҳаётидаги ўрни юқори баҳоланиши аниқланди. Жамоатчилик фикрида кейин-

(Давоми 2-бетда).

***Бозор ва истеъмолчи***

***«Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ва халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.***

***Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт».***

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 35-модда).

## Сизни ҳимоя қилиш — бизнинг бурчимиз!

Айрим ҳолларда савдо дўконларида «Сотилган товар қайтариб олинмайди, бошқасига алмаштирилмайди» деган ёзувларга кўзимиз тушиб қолади. Кўпчилигимиз уни ўқиб, индамай дўкондан чиқиб кетамиз ёки «Товар сифатли чиқиб қолар» деган умидда харид қиламиз. Лекин ушбу товар нуқсонли чиқиб қолса-чи?

Агар биз ўз ҳуқуқларимизни яхши билганимизда эди, биринчи навбатда пулини қайтариб бериш ёки бошқасига алмаштириш тўғрисида дўкондорга мурожаат қилардик, албатта. Шу билан бирга, инсофсиз ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва хизмат кўрсатувчилар томонидан истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг давом эттирилишига имконият яратиб бермас эдик.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига истеъмолчилардан кўплаб мурожаатлар келиб тушаётгани улар ўзлигини таниб, ўз ҳуқуқларини тобора яхши билиб бораётганидан далолат беради. Табиийки, ана шу мурожаатларнинг ҳаммаси қонунчиликда белгиланган тартиб доирасида ва муддатда кўриб чиқилиб, истеъмолчилар фойдасига ҳал этилмоқда. Мисол учун, 2003 йилда Қўмита ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилардан жами 1340 та, шу жумладан, 763 та ёзма ва 577 та оғзаки мурожаат тушди. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 13 фоиз кўпдир. Сабаби — жойларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва таянч гуруҳлари тузилган бўлиб, улар амалдаги қонунчилик бўйича аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Мазкур тадбирлар эса одамларнинг ҳуқуқий онги ошишига ёрдам бермоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёзма мурожаатларнинг 361 таси коммунал хизматга, 193 таси савдо ва умумий овқатланиш тизимига, 209 таси бошқа тармоқ ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тегишли бўлиб, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар юзасидан эътирозлар билдирилган эди. Жумладан, Қўмитанинг Наманган вилояти ҳудудий бошқармасига Учқўрғон тумани истеъмолчиларидан юборилган шикоят хатида 2002-2003 йиллар қиш мавсумида газ таъминотининг яхши йўлга қўйилмаганлиги

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз яна куйиниб, «Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда муайян хомашё ресурсларини биржадан кўра очиқ бозордан сотиб олиш осон ва арзонга тушади» деган гапларни айтди. Сабаби — ҳозирга қадар мамлакатимиздаги юқори ликвидли товар ишлаб чиқарадиган бирор-бир корхона ўз маҳсулотини тўғридан-тўғри биржа савдосига қўймаган. Чунки Қаранг, илгари бу юқори ликвидли маҳсулотни «Ўзкимёсаноат» бирлашмаси лимитлар, квоталар бўйича тақсимларди. Муҳими, бизда бу минерал ўғитлар энди ишлаб чиқариш нархида савдога қўйилади.

Суҳбатдошимиз республика Товар-хомашё биржасида металл маҳсулотлари бўйича ўтказилган электрон савдода фарғоналик брокерлар ҳам иштирок этганини маълум қилди. Биз ушбу савдо қатнашчиларининг айримларини суҳбатга тортдик.

# Электрон биржа савдоси

«Бўзчи белбоққа ёлчимас» деганларидек, ишлаб чиқарувчилар ўз товарини сотиш ҳуқуқига эга эмасди. Юқорида эслатганимиздек, лимит, квоталар вазирликлар, компаниялар ихтиёрида эди. Улар маҳсулотни воситачи-даллолларга пуллар, даллоллар эса устига яна нарх қўйиб, пировардида биржага келишарди. Натижада товарнинг нархи бир неча баравар ошиб кетарди. Ҳукумат қарори туфайли ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир олғирларнинг илдизига болта урилди.

Ўтган йили бизнинг биржамиз орқали 21 миллиард сўмлик савдо ўтказилди. Бу аввалги йилдаги кўрсаткичга нисбатан 185 фоиз кўп, лекин йирик нефть ва кимё саноати корхоналари жойлашган Фарғона вилояти учун ўта кам. Негаки, у жами улгуржи товар айланмасининг бешдан бир қисмини ҳам ташкил этмайди. Қачонки ана шу айланмада биржа савдосининг улуши 70-80 фоизга етса, бозор механизми тўла ишлайди.

Қувонарлиси, янгича ишлаш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Филиалимиз биржа савдоси юзасидан вилоятдаги ўндан зиёд корхона билан шартномалар имзолади. Энди «Кварц» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотига буюртма берган қорақалпоғистонлик, хоразмлик харидорлар Қувасойга келмайди. Нукус ва Урганчда ўтириб, корхонанинг савдога қўйилган маҳсулотини электрон биржа орқали харид қилиши мумкин. Куни кеча «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1800 тонна азот, 2600 тонна суперфосфатни сотиш таклифини берди.

**Бахтиёр ЭРГАШЕВ, Қўқон шаҳридаги механизациялашган кўчма жамланма бошлиғи:**

*— Металл — қурувчининг иккинчи нони. Авваллари уни топиш учун Фарғона, Тошкент ва Бекобод шаҳарларида жойлашган камида беш-олтита идорага қатнайвериб, овораи сарсон бўлардик. Жаҳон андозалари, расм-русумлари асосида ишласа бўлар экан-ку! 44 тонна металлни биржадан, ишлаб чиқариш нархида сотиб олдим. Муаммомизни ҳал қилиб берган Юртбошимизга минг раҳмат!*

**Мадаминжон АҲМЕДОВ, «Фарғонажамоақурилиш» компаниясига қарашли 80-механизациялашган кўчма жамланма раҳбари:**

*— Тўғриси, электрон биржа савдоси бир ўйин бўлса керак, деб ўйловдим. Хато қилган эканман. Бир зумда брокеримиз арзон нархда 26 тонна арматура сотиб олди. Илгари шунча маҳсулотни олиш учун аввал трестга, сўнгра Тошкентга, пировардида Бекободга боришга тўғри келарди.*

Суҳбатдан аён бўлдики, Товар-хомашё биржаси ўз йўлини топмоқда. Бу ерда хомашё ресурсларини, худди очиқ бозорда бўлгани каби, сотиб олиш осонлашиб, уларнинг нархи арзонга тушмоқда.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Сизни ҳимоя қилиш — бизнинг бурчимиз!

(Давоми. Боши 1-бетда)

айтилганди. Ҳақиқатан ҳам, шикоят хатида келтирилган ҳолатлар ўз тасдиғини топди. Пировардида бошқарманинг аралашуви билан 28 та маҳалладаги 9141 та хонадонга 2002-2003 йиллар қиш мавсумида фойдаланилмаган газ учун 19,6 миллион сўм қайта ҳисоб қилиб берилди. Туман газ таъминоти ташкилоти мутасаддиларига нисбатан эса қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўрилди.

Ёки бўлмаса, Бойсун туманидаги «Чорчинор» маҳалласида электр қуввати етказиб берувчи трансформатор бир неча маротаба ишдан чиқади. Лекин созлаш ишлари туман электр тармоқлари корхонаси ҳисобидан эмас, балки маҳалла фуқароларининг маблағи эвазига амалга ошириладди. Шу боис маҳалла фуқаролари ўзларининг қонуний истеъмолчилик ҳуқуқлари тикланишини сўраб Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасига ёзма равишда мурожаат қиладилар. Маълум бўлишича, фуқаролардан асоссиз равишда 101 минг сўм пул йиғиб олинган экан. Бундай қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган Бойсун туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, тегишли маблағ корхона ҳисобидан фуқароларга қайтарилди.

Навоий вилояти ҳудудий бошқармасига Зарафшон шаҳри, 4-кичик туман, 30-уй, 34-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро А. Сарбаевдан келиб тушган шикоят хатида эса «Умид» фирмасидан 98 минг сўмга уяли телефон аппарати сотиб олганлиги, лекин унга кафолат муддати берилмаганлиги, оқибатда бир ҳафта ўтмасдан яхши ишламай қолган бўлса-да, сотувчи томонидан унинг пули қайтариб берилмаётганлиги баён этилган эди. Шикоят хатини белгиланган тартибда ўрганиш жараёнида «Умид» фирмаси томонидан нуқсонли товар сотилиб, фуқаронинг ҳуқуқлари поймол этилганлиги маълум бўлди. Бошқарманинг аралашуви туфайли фирма ҳисобидан истеъмолчига 98,0 минг сўм пул ундириб берилди.

Шунингдек, истеъмолчиларнинг банк соҳасига доир мурожаатларида икки томонлама тузилган шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаётганлиги ҳам ёзилган эди. Хусусан, Урганч шаҳри, «Термиз» кўчаси, 33-«А» уй, 20-хонадонда истиқомат қилувчи З. Абдуллаева ҳисоб рақамидаги 175 минг сўм пулини қайтариб беришини сўраб Миллий банк бўлимига бир неча бор мурожаат қилган. Аммо банк ходимлари фуқаронинг мурожаатига панжа орасидан қарашади. Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ушбу масалани ҳал қилиб берди.

Бошқа бир мисол. 2002 йилда «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Наманган бўлими ва истеъмолчилар ўртасида турар жой биносининг олди-сотдиси бўйича шартнома тузилади. Лекин банк шартнома шартларини бузиб, 8 нафар истеъмолчига уйларни топшириш муддатини 117 кунга кечиктиради. Ушбу ҳолат Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ўтказилган текшириш натижасида аниқлангач, мазкур банкка кечиктирилган кунлар учун истеъмолчиларга бир миллион сўмни қайтариш тўғрисида кўрсатма берилди.

Қўмита ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилардан келиб тушган оғзаки мурожаатлар ҳам эътиборда турибди. Чунончи, 180 таси уларнинг фойдасига ҳал қилинди, 397 таси бўйича истеъмолчиларга тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, йил мобайнида Қўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан 66 та шикоят хати ва ариза қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун тегишли давлат органларига юборилди. Қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган 35 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилиб, шундан 6 таси эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 3 таси устидан жиноий иш қўзғатилди.

Ҳар бир истеъмолчининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бизнинг бурчимиздир. Шу мақсадда бундан буён ҳам жойларда қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиб, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш йўлида хизмат қилаверамиз.

**Бобомурод ЖЎРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг етакчи мутахассиси.**

*Зарурат туғилса, қуйидаги «Ишонч телефонлари»мизга қўнғироқ қилинг:*
*133-09-39,*
*133-14-70.*

(Давоми. Боши 1-бетда).

ги йилларда фуқаролар учун мамлакатимиз Асосий қонунининг аҳамияти ортиб бораётгани қайд этилмоқда (1998 йилдаги 30,9 фоизга нисбатан 2003 йилда 55 фоизни ташкил этган). Конституция матнини билиш сўралганларнинг ёши ва маълумоти билан бевосита боғлиқлигига доир ўтган йиллардаги ҳолат сақланиб қолган. Асосий қонунни кўпроқ ўтган йиллардаги каби фуқароларимизнинг Президентга ишончи катта эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу Ислом Каримовнинг давлатимиз раҳбари лавозимидаги иши юқори баҳоланиши, аҳолининг аксарияти Юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашидан дарак беради. Бундай баҳо миллий бойлигимиз бўлиб, жамиятда

# ЎЗБЕКИСТОН: ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ — 2003

18-20 ёшлилар, шунингдек, олий маълумотли кишилар ўқигани қайд этилган. Бу Юртбошимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишини амалга оширишнинг натижасидир. Ушбу фармойишга мувофиқ таълим тизими олдига ҳуқуқий билимларни мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб олий ўқув юртларида ҳам ўқитиш вазифаси қўйилган эди.

Тадқиқот фуқароларнинг давлат олдидаги масъулият даражаси юқорилигини, уларнинг ўз мамлакати билан уйғунлик ҳисси кучайганлигини яққол намоён этди. Аввал ўтказилган сўровларга нисбатан "давлатимиз бизга ҳамма нарса берди, ҳеч кимнинг ундан яна нимадир талаб қилишга ҳаққи йўқ", деб ҳисоблайдиганлар сони кўпайди. Шу билан бирга, аҳоли ўртасида боқимандалик кайфияти пасайганлиги ҳам қайд этилди. Бу ҳам одамларнинг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга муваффақиятли мослашганлиги, жамият онги ва фикри ижобий ўзгарганидан дарак беради. Кундалик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ масалаларга бўлган муносабатнинг ўзгариш суръати ўзига ва ўз кучига ишонадиган фуқаролар сони изчил кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда (2000 йилда сўралганларнинг 43,7 фоизи, 2003 йилда — 47,7 фоизи).

2003 йилдаги жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровлар барқарорлик кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизимнинг тубдан ўзгариши, мутлақо янги ижтимоий муносабатлар ва институтларнинг шаклланиши мамлакатнинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатидаги устуворликларини танлашга ўз таъсирини кўрсатди. Сўровлар натижалари аҳоли томонидан Ўзбекистон раҳбариятининг Марказий Осиёда тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, бошқа давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсий йўли тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини исботлайди. Сўровлар яна бир муҳим жиҳатни ойдинлаштирди: Ўзбекистон яқин сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар ўрнатган ҳамда уларни ривожлантираётган мамлакатлар халқларига фуқароларимиз бағрикенглик ва хайрихоҳлик муносабатидадир.

"Ўзбекистон: жамоатчилик фикри-2003" тадқиқоти мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини, аҳоли томонидан жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини босқичма-босқич ўзгартириш йўли қўллаб-қувватланаётганини яққол исботлади.

**"Ижтимоий фикр" маркази материаллари бўйича ЎзА мухбири А. ИВАНОВА тайёрлади.**

# Гулистоннинг сифатли мебеллари

*Яқин-яқинларга қадар хориж мебелларига ҳавас қиладиган сирдарёликлар бугунги кунда уйларини Гулистонда ишлаб чиқарилаётган мебеллар билан безашни афзал билишмоқда.*



***Сабаби мебеллар на кўриниши ва на сифати билан ҳеч қайси хориж маҳсулотидан қолишмайди. Афзаллиги эса — унинг арзонлигида. "Барат" хусусий ишлаб чиқариш фирмасида ишлаб чиқарилаётган ўттиз турдан зиёд мебель маҳсулотлари аҳолига ғоят манзур бўлмоқда.***

***— Ёш келин-куёвлар ҳам янги рўзғор учун мебелни биздан харид қилишади, — дейди фирма раҳбари Деҳқонбой Душаев. — Ҳозир асосан буюртма асосида ишлаяпмиз. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтирмоқчимиз.***

**Суратда: фирма раҳбари Деҳқонбой Душаев уста Зулқайнар Кўчмуродов билан тайёр маҳсулотлар сифатини текшираётган пайт.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ҒОЛИБЛАР СЎНГГИ БОСҚИЧГА ЎТДИ

***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (ЎзА мухбири Л.СУВОНОВ).*** Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий "Ташаббус-2004" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Танловда Тошкент туманидаги "Астра Фарм" дори-дармон ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Раҳимхўжа Юнусхўжаев "Энг яхши тадбиркор", Тошкент туманидан "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов "Энг яхши фермер", оҳангаронлик Зарифа Баҳодирова "Энг яхши ҳунарманд" деб топилди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

Газетада босилмади, аммо...

# Қурилма қайта таъмирланади

*Сурхондарё вилояти, Узун тумани "Серҳаракат" ширкат хўжалигида яшовчи қишлоқ аҳли номидан таҳририятимизга хат йўллаган Х.Холиёров ва Б.Қораев мазкур ҳудудда истиқомат қилувчиларни ичимлик суви билан таъминлаш учун артезиан қудуғи лозимлиги, уни қазишда эса амалий ёрдам кераклигини ёзишган. Ва газета аралашувисиз бу иш битмаслигини ҳам таъкидлашган. Шикоят хати текшириш учун Сурхондарё вилояти ҳокимлигига юборилган эди. Узун тумани ҳокими А.ТУРДИЕВ имзоси билан таҳририятимизга келган расмий жавобда шундай дейилади:*

*"Аризада кўрсатилган ҳолатлар мутасадди ташкилотлар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Мутахассислар хулосасига биноан, токзорни узлуксиз сув билан таъминлаш учун насос қурилмасини қайта таъмирлаш лозим. Уни ҳозирги ўрнатилган жойидан 250 погон метр юқорига кўчириб, "Астана" каналидан сув оладиган насос қурилмасини қуриш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ушбу лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлаш "Серҳаракат" ширкат хўжалиги бошқарувига юклатилди".*



# Сара уруғ — ҳосил бўлиқ

"Миришкор" Наманган туманидагина эмас, балки вилоятда ҳам уруғлик чигит етказиб берадиган йирик корхоналар сирасига киради. Ўзбекистон-Франция қўшма корхонаси ҳисобланган "Миришкор" бу йил пахтакорларга 2 минг тонна туксизлантирилган сара уруғ тайёрлаб қўйди.

Куни кеча Англиядан олтита "Monosem" русумли чигит экиш агрегатлари келтирилди. Экиш мавсуми бошланиши билан корхонанинг доимий ҳамкорлари Қ. Солиев номли, "Навбаҳор", "Ўзбекистон" ширкат хўжаликлари ва фермерлар далаларида ушбу сеялкалар ёрдамида ерга уруғ қадала бошланади.

— Бу йил корхонамиз қошида муқобил МТП ташкил этмоқчимиз, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Х. Холбоев "Туркистон-пресс" мухбирига. — Мақсад пахтакорлар оғирини енгил қилиб, арзон маҳсулот етиштиришга ҳисса қўшиш.



# Баркамоллик

## бунга эришиш учун ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуклик керак

*"Армия сафларида ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим. Бунинг учун ҳарбий соҳадаги маънавий тарбия ишларини тубдан яхшилашимиз, аскарларимизнинг, ҳарбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига миллий истиқлол ғояси тамойилларини чуқур сингдиришимиз керак". Республика Президентининг ушбу сўзлари Ватанимизда нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом ва баркамол инсонларни тарбиялаш, етук кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришга қаратилган.*

Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз ички ишлар тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун олий малакали юристлар тайёрлаб бераётган Ички ишлар вазирлиги академиясида ҳам тингловчиларни миллий истиқлол ғояси тушунча ва тамойиллари асосида тарбиялаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда бундан уч йил муқаддам маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш илмий концепцияси ишлаб чиқилиб, у босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиляпти. Хўш, бу концепциянинг моҳияти нималардан иборат?

Асосий мақсад — академиядаги маънавий-маърифий ишларнинг аҳволини таҳлил этиш, бу борадаги таълим-тарбия жараёнининг асосий тамойилларини белгилаш ва маънавий тарбиянинг самарадорлигини амалиётда кўрсатиб беришдан иборат.

Мазкур концепция, шунингдек, ёш авлод қалби ва онгида миллий истиқлол ғоясига асосланган соғлом эътиқод ва дунёқараш асосларини шакллантириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни турли усуллар воситасида сингдиришни назарда тутади.

Албатта, бу мақсадга ҳар куни соатлаб маъруза ўқиш билан эришиб бўлмайди. Шу боис, академиянинг Маънавият ва маърифат кенгаши тингловчиларнинг ёши, ўқув босқичини инобатга олиб, маънавий-маърифий ўқув ишлари дастурини тобора мукаммаллаштириб бораяпти.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, мазкур дастур бўйича ўқитиш жараёнида оддий тушунчалардан назарий муаммоларга ўтилади. Токи, ҳар бир битирувчи ўзининг мустақил фикрини эркин билдира олсин, шу билан бирга шаклланган ўз нуқтаи назарини, шахсий фикрини ҳимоя қилишга қодир бўлсин.

Бу вазифани амалга ошириш учун академиянинг катта илмий салоҳиятидан, замонавий моддий-техникавий базасидан, ушбу таълим масканининг тарих музейида жамланган экспонатлар, янги адабиётлар, мультимедиа тизимларидан кенг фойдаланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, академияда иқтидорли тингловчилар учун қўшимча алоҳида машғулотлар ўтказиш усулларига алоҳида эътибор берилмоқда. Яъни, бунинг учун академиянинг ўз салоҳияти билан кифояланмай, оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда, телевидениенинг имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Масалан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, "Ўзбекистон" телеканалининг "Маърифат" студияси томонидан мамлакат олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ташкил этилган "Иқтидор" интеллектуал телеўйинида "Академия" жамоаси йилнинг мутлақ ғолиби бўлди ва ушбу мусобақаларда доимий қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шунингдек, "Ёшлар" телеканалининг "Қилни қирқ ёриб..." детектив клуби телекўрсатувида асосан академия тингловчиларидан иборат учта жамоа муваффақиятли қатнашиб, ўз тенгқурларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу борада фақат ички имкониятлардангина фойдаланилаётгани йўқ. Хорижий мамлакатларнинг юртимизда фаолият олиб бораётган элчихона ва ваколатхоналари вакиллари билан ўтказилаётган мунтазам учрашувлар, давра суҳбатлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Бундай мулоқотлар ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги кунда таълим сифатини яхшилашда маънавий тарбиянинг аҳамияти тобора ортиб бораётгани барчамизга яхши маълум. Шунинг учун ҳам миллий қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, порахўрлик, мансабпарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, қонунбузарлик каби иллатларнинг барча кўринишларига қарши ёшларда муросасизлик кайфиятини яратиш мақсадида тегишли ташкилотлар ва уларнинг мутахассислари билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Академиянинг «Маънавият ва маърифат" маркази томонидан "Тингловчи одобномаси" низоми ишлаб чиқилган. Айни пайтда "Ахлоқ-одоб ва жамоатчилик билан алоқа" комиссияси тузилиб, унинг йиғилишларига тингловчиларнинг ота-оналари ҳам таклиф этилаётгани тарбиявий ишлар самарасини оширишга хизмат қилмоқда.

Юқорида зикр этилган концепцияда мураббийлар ишига алоҳида эътибор берилган. Чунки улар ҳар бир тингловчи билан якка тартибда иш олиб боради. Бунда иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор бериш, ғамхўрлик қилиш назарда тутилган.

Академияда жисмоний тайёргарликка алоҳида эътибор берилмоқда. Барча тингловчилар бу ерда ўзлари танлаган спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланиш имкониятига эга. Бунинг натижаси ўлароқ, тингловчиларимиз сафида кўплаб жаҳон, қитъа, мамлакат чемпионлари етишиб чиққан. Уларга Ўзбекистон фахри бўлмиш Акобир Қурбоновдек битирувчиларимиз устозлик қилади.

Қисқа қилиб айтганда, академия олимлари ва илмий ходимлари томонидан ишлаб чиқилган мазкур концепциянинг асосий мақсади ҳар бир тингловчини маънавий муҳитнинг фаол иштирокчисига айлантириш. Чунки халқ тинчлиги ва осойишталигининг посбони бўлишдек шарафли ва масъулиятли касб шуни тақозо этади. Уни эгаллашдаги мураккаб йўлда маънавият ҳидоят машъали бўлиши амалда ўз исботини топган.

**Шуҳрат ҒОЙИБНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи ўринбосари, сиёсий фанлар доктори.**

Шеърхонлик

Охунжон ҲАКИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

## Бу дунё кенг...

*Кўз тупроққа тўлмагунча тўймас одам,*
*Феълимиз, сал кенгроқ эса, кенгдир олам.*
*Кўҳна дунё келди-кетди макон асли,*
*У қолгуси сизлардан ҳам, бизлардан ҳам.*
*Аччиқ сухан ўрнига сиз ширин сўз денг,*
*Бу дунё кенг, биродарлар, бу дунё кенг!*

*Ёруғ-ёруғ кунингизни айлаб қаро,*
*Ўз кўксингиз сиз ўзингиз айлаб яро,*
*Вақти келиб кунлар кўрманг мотамсаро,*
*Ҳатто бо-ю боёнлардан чиққан гадо...*
*Умр қисқа, умрингизнинг ғамини енг,*
*Бу дунё кенг, биродарлар, бу дунё кенг!*

*Елкамизга янги гуноҳ ортилмасдан,*
*Устингизга токи тупроқ тортилмасдан,*
*Одамийлик, эзгуликка юзни буринг,*
*Басма-басдан қочинг, қочинг қасдма-қасддан.*
*Ҳақ олдида шоҳу гадо барчаси тенг,*
*Бу дунё кенг, биродарлар, бу дунё кенг!*

*Ман-ман дея бир-бировни йиқадирсиз,*
*Йиғадирсиз ва қабрга тиқадирсиз,*
*Мансаб дейсиз, дунё дейсиз, даврон дейсиз*
*На худодан, на бандадан қўрқадирсиз...*
*Пастроқ тушинг, охиратнинг ғамини енг,*
*Бу дунё кенг, биродарлар, бу дунё кенг!*

*Бори-йўғи муштдеккина қорнингиз бор,*
*Юз йилларга етгулик ош-нонингиз бор,*
*Бугун борлар эртан йўқдир, англаб етинг*
*Ва халқумда чиқишга шай жонингиз бор...*
*Қўйиндаги тошни ташлаб, шукурлар денг,*
*Бу дунё кенг, биродарлар, бу дунё кенг!*

Биласизми?

### Шоколад – кони фойда

Шоколад нафақат мазали таом, балки инсон саломатлиги учун фойдали восита ҳамдир. Узоқ тортишувлардан сўнг АҚШ Миллий академияси олимлари шундай хулосага келишди. Уларнинг фикрича, шоколад таркибидаги витаминлар, минерал моддалар ва флавоноид-антиоксидантлар одамни юрак хасталигидан огоҳ қилар экан. Шоколад қон айланишини яхшилайди, шунингдек, саратон хасталигининг олдини олишга хизмат қилади. Тиббиётчиларнинг таъкидлашича, қизил вино, кўк чой ҳамда айрим мева ва сабзавотлар ҳам шундай хусусиятга эга.

Маълумотларга кўра, Англияда 4,2 фоиз эркаклар оилада ўзларига нисбатан жисмоний куч ишлатилганидан шикоят қилишган.

### Жабрдийда эркаклар

Аёлларнинг 50 фоизи эрларининг куч ишлатиши туфайли жароҳат олган бўлса, эркакларнинг 31 фоизи хотинларидан шундай жабр кўрган. Мутахассисларнинг фикрича, аёллардан жабр кўраётган эркаклар кўпроқни ташкил этади. Лекин улар уялганларидан кўп ҳолларда полицияга мурожаат қилмайдилар.

**Улуғой ДОЛИЕВА тайёрлади.**

# GURUNG



***— Гурунг — таом билан ширин, — дейди Гулистон шаҳрининг кўркига кўрк қўшиб турган «Усмонобод» чойхонасининг кўли гул ошпази Ҳошимжон Турсунмуродов.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## «Акс» санъати устаси



### Диас Раҳматов билан мулоқот

**— Диас ака, сизни ноёб овоз соҳиби, дубляж устаси дейишади...**

— Йўқ, ука, шошма. Исминг Саид-а? Адашим экансан. Диас тескарисига ўқилса, Саид бўладими? Ўша ҳарфларнинг ҳаммаси турибди, демак адашмиз-да! Ҳайрон бўлма, дубляжни мен тескарисига ўқиш, аммо, аслидай қилиб акс эттириш, деб таржима қиламан ўзимча. Негадир, тескари санъаткорман, деган сўзни айтиш менга ёқимли туюлади.

**— Акс санъаткор деса бўлмайдими? Сиз назарда тутган "тескари" деган маъно ҳам бор, "акс эттириш" деган маъно ҳам.**

— Тўғри, шуниси зўр бўларкан.

**— Хўп, бошидан бошлаймиз яна. Сизни ноёб овоз соҳиби, акс санъат устаси сифатида халқимиз яхши билишади. Ҳозир айни дамда ўқувчиларимиз овозингизни эшитишмаяпти, эсломаётган бўлишлари мумкин. Аммо дунёдаги энг зўр комик актёр Георгий Вицин ролларига овоз берган актёр десам, "Э, биламиз!" дейишлари, шубҳасиз.**

— Гапни мақтовдан бошлаяпсан, охири зил билан тугайди-ёв, Тескарим. Бу фильмларга тасодифан келиб қолганман. Йўқ, аслида, дубляж студияси атрофида ўралишиб юрардим, бирорта рол бериб қолишармикан, деб. "Кавказ асираси" фильмининг дубляжи кетаётганди. Ҳамма тайёр, фақат Вицинга овоз бериши керак бўлган Садир Зиёвуддиновдан дарак йўқ-да. Фильм режиссёри Собит Саидовнинг фиғони фалакка чиқиб кетди. Камига мен ҳам, "Овоз бериб кўрай!" деб хира пашша бўляпман. Собит ака қўлларини олдин менга сўнг осмонга ниқтаб деди: "Э, сен кимга овоз бермоқчи бўлаётганингни биласанми ўзи? У Вицин-а, Вицин!" деди. "Озгина овоз бериб кўрай, ёзмасангиз ҳам эшитиб кўринг!" деб яна сурлигимни қўймадим. "Кир!" деди жаҳл билан. Жиндай ўқидим, савол аломати билан режиссёрга қарадим. Ўқийвер, деган ишорани қилди. Давом этавердим, негадир режиссёр тўхтатмаяпти. Секин қарасам, унинг тепасида Садир ака турибди. "Сурпа-ўқловингни йиғиштир, Диас, ролнинг эгаси келди", дедим. Аммо бағрикенгликни қарангки, Садир ака, "Диаснинг овози ролга жуда тушибди, давом этаверсин!" дедилар-у, студиядан чиқиб кетдилар.

**— Шундай қилиб дубляж санъатига кириб келдингиз.**

— Э, жуда катта даргоҳ эди-да. Шукур Бурхонов, Ҳамза Умаров, Воҳид Қодиров, Пўлат Саидқосимов, Эркли Маликбоева, Тўлқин Тожиев каби мана мен деган санъаткорлар ижод қилишарди. Уларнинг сафида бўлиш... Унинг устига Ўзбекистон дубляж студияси собиқ иттифоқда тан олинган ягона студия эди. Ҳатто машҳур роль ижодкорлари ҳам дубляжимизни кўриб, "Ролни сен ўйнасанг, ўзбеклар овоз берса, ана уни томоша қилиб маза қилаверсанг!" дея тасаннолар айтиб кетишган. Ҳатто Вициннинг фильмни кўриб, "Мен ўзбекчани ўрисчадан яхши гапирарканман!" дея ҳайратланганини эшитганман.

Меҳмон

**— Вициннинг фильм охиридаги гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. Уларни суд қилишмоқда, у "Яшасин, дунёда энг одил суд — советлар суди!" дея ўрнидан туриб қарсак чалади. Фильм яратилган даврда бу сўзларни масхара оҳангида айтилиши, яна унинг орқасидан залда ўтирганларнинг гур кулгисининг берилиши чинакам қаҳрамонлик бўлган-да.**

— Бизам худди ана шу жойини цензурадан ўтказиш учун кўп қийналганмиз. "Сен ўзбеклар, совет судини масхара қилиш учун атай қўшгансанлар!" деган маломатларни эшитганимиз эсимда. Ўрисчасини уларга кўрсатиб, аранг ўтказганмиз.

**— Сўз учун кураш кетган экан-да.**

— Сўз дейсан, оҳанг, бўғинга тушадиган урғуни ўрнига тушириш учун ҳафталаб тер тўкканмиз. Битта фильмни йиллаб дубляж қилган кунларимиз бўлган.

**— Ҳозир эса йиллар давомида қўйиладиган сериалларни бир кунда дубляж қилиб қўйишмоқда.**

— О! Ошириб юбординг. Аммо тузни ўрнига сепдинг, роса ярамга тушди. Мақтовингдан билгандим, Тескарим, гапни шу ерга олиб келишингни. Майли. Кўнгилдаги гапларни айтиб олган маъқул, дард зардобга айланиб кетмасин.

Тўғрисини айтсам, ҳозирги режиссёрларимизнинг кўпчилиги дубляжнинг санъат эканлигини унутиб қўйишган. Биз сўз устида, оҳанг устида ойлаб ишлаб қийналиб юрган эканмиз. Бир ҳафта, ўн кунда республика телевидениеси каналларида, таҳририятларида иккита-учта актёрни чақириб олишиб, бутун бошли фильмларни, сериалларни "дубляж" қилиб ташлаяпти. Энди уларнинг фильмларини кўриб... Ўзи бу сериалларнинг сценарийлари мақталадиган даражада эмас. (Сериал халқимизга янгилик бўлгани учун кўришмоқда). Камига таржима расво: сўзма-сўз ёки ўзбек тилини билмайдиган одам ўзбекчага ўгирганми, Худо билади. Қаҳрамонлар ўзбек тилида сўзлашади-ю, аммо ўзбекча гапирмайди! Уларнинг юзларидаги маъно билан тилларидан чиқаётган маъно умуман бир-бирига тўғри келмайди. Камига, ҳуда-беҳуда бақиришади, шанғиллаб гапиришади, уларни кўриб, эшитиб дам олмайсиз, чарчайсиз. Энди битта сериалда бир одам беш-олтита қаҳрамонга овоз берганини қўяверасан, бу санъат эмас, бачканалик!

**— Бу сериалларнинг мазмунан саёзлиги, воқеаларнинг ўта сохталиги учун бир марта кўрасиз, холос. Иккинчи марта намойиш қилишса, умуман қарагингиз келмайди. Шунга телевидение мутасаддилари ортиқча маблағ сарфламайлик деб...**

— Ярим марта кўрилганда ҳам экран қаршисида энг камида 10 миллион томошабин турганини унутмаслик керак. Бу сериалларни халқимиз маънавий озиқ олсин деб намойиш қиляпмизми? Шундай бўлгандан кейин ҳамма томонини ўйлаш керак-да.

Таниқли қизиқчи укамиз Мирзабек Холметов беш-олти йил бурун кичкинагина мультфильмга овоз берди. Тўти ҳақида. Аммо овозни, оҳангни шунақанги ўрнига тушириди, тан бердим. Ўзи асли зўр бўлса керак, деган хаёл ўтиб, русчасини томоша қилиб кўрдим, йўқ, жонсиз нарса. Мирзабек фильмга жон киритган. Яна ўзбекча жон. Ўтган йиллар ичида йигирма марта кўргандирман, зерикканим йўқ, қўйишса яна кўраман.

Фильм бўладими, сериалми ана шундай ижодий ёндошиш, жон койитиб, жон киритиш керак! Халқнинг хизматкоримиз. Бу хизматни юракдан чиқариб қилиш лозим. Ана шунда халқимиздан фақат яхши сўзлар эшитамиз, дуосини оламиз.

**Саид АНВАР суҳбатлашди.**

## Томири чириган дарахт



фельетон

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

Якшанбадан ўтар кечаси 18 ёшли чинор қулаб тушди.

Кўчанинг қоқ ўртасига қулади.

Танасининг йўғонлиги халқаро курашларда қатнашган паҳлавоннинг белидек келади.

Ўнг томонда бешинчи кварталнинг гази ҳеч ўчмайдиган кўп қаватли уйлари, чап томонда олтинчи кварталнинг электр пулини ўз вақтида тўлайдиганларнинг бир-биридан шинам бинолари жойлашган.

Қулаган чинор курашда йиқилган паҳлавондек чўзилиб ётибди.

Жуда хунук ётибди.

Бу кварталларда яшайдиганлар ўқимишли, фозил, мулоҳазага бой кишилар эди. Дарҳол дарахтнинг қулаш сабабини илмий, амалий ва назарий таҳлил қилишга киришиб кетдилар. Ўнг томондагилар нариги томондагиларга қараб сизларнинг уйларингиз чинорнинг томирини эзиб қуритган, деган даъвони, чап томондагилар йўқ, сизлар электр симини чинорнинг шохига ўраб олиб ўтгансизлар, чинор шундан қуриган, деган ҳеч рад қилиб бўлмайдиган даъвони олдинга сурдилар.

Баҳс авж олиб кетди.

Баҳс бир кун давом этди.

Янги-янги билимдонлар келиб қўшилаверди.

Келишув бўлмади.

Чинор кўча ўртасида чўзилиб ётибди.

Жуда хунук ётибди.

Биров айланиб ўтаяпти.

Биров танасидан сакраб ўтаяпти.

Ўнгдан келган ҳайдовчилар чапда турганларни сўкяпти, чапда турганлар уларникидан ҳам ёқимлироқ жавоб қайтаришяпти. Хотини билан уришиб чиққанлар чинорни сўкиб ичини бўшатиб оляпти.

Хўп ажойиб томоша бўляпти.

Чинор курашда йиқилган паҳлавондек ўртада ётибди.

Жуда хунук ётибди.

Бешинчи кварталнинг раиси Расул Тоиров, олтинчи кварталнинг раиси Умар Салимов - икковлари ҳам, илойим кўз тегмасин, ғоят ҳушёр, ғоят зийрак, ғоят элпарвар деб ном чиқаришган. Лавозимлар берилмайди, олинади, ўртага пора ҳам аралашади, деган гаплар ғирт ёлғон. Икковлари ҳам бирор сўм сарфлаганлари йўқ, маҳаллага. Икковлариниям халқнинг ўзи, ҳокимлик тавсияси билан — демократия асосида сайлаган.

Ниҳоят телефонлар ишга тушди.

Ҳол-аҳвол сўрашди.

Худога шукур, ҳар икки томонда ҳам тинчлик-омонлик экан.

— Энди, ака, анови чинорингизни тезроқ кесиб олмасангиз бўлмайди, - деди Расул Тоиров.

— Ие, нега энди мен кесиб оларканман?— юмшоққина қилиб сўради Умар Салимов.

— Чинорнинг томири сизга қарашли уйнинг остидаку! Иморатингиз чинорнинг томирини эзган, қуритган.

— Сизнинг одамларингиз кабелни чинорнинг шохига ўраб олиб ўтган. Олдин шох, кейин унинг томирлари қуриган.

Бу гапларнинг қанчага чўзилгани маълум эмас, чунки уларнинг қўлида гап ўлчайдиган асбоб йўқ эди. Аммо икковларининг ҳам чўзилган, чўзилмаган гаплари остида, «Мажлисларда кариллаб, ҳеч кимга гап бермайсан, бировлар қилган ишни меники деб олдинги қаторга ўтиб оласан. Чинорни энди ўзинг кесиб олавер!" "Ҳаммаёққа мени югуртиради, ишни битириб келсам ярмига эгалик қилади, чинорни ўзи кесиб олсин!" деганга ўхшаш ғалати-ғалати сўзлар аста оқиб ўтди.

Ўша куни муросага келишолмадилар. Учинчи, тўртинчи кунларда ҳам натижа бўлмади.Нуқтаи назарлар бир-бирига бутунлай тескари, бир-бирини туртиб, итариб ташлаяпти.

Чинор кўча ўртасида курашда йиқилган паҳлавондек жимгина ётибди

Жуда хунук ётибди.

Тортишувга аёллар аралашди.

Эр пошшо бўлса, аёл унинг вазири деган гап бор. "Адажониси, — деди маҳалла раисининг хотини, — «Чинорни сен кесасан», деса кўнманг. Худога шукур, эл ўртасида мавқеингиз баланд... Хотини бўлса одаммас. Икки марта чаллар қилиб, бир марта ҳам айттирмадия..." "Асалим, — деди иккинчи раиснинг хотини эркаланиб, — унинг дўқидан қўрқа кўрманг. Кўчасидан бирор марта ҳам юрган эмасмиз. Хотинчаси... Вой, унинг керилгани! Бор-йўғи боғча мудираси, аммо димоғи осмонда! Э, ўргулдим!"

Ўша оқшом подшолар ўз вазирларига нима деб жавоб бергани бизга қоронғу.

— Эй, Умар, — дея қўнғироқ қилди Расул Тоиров, — гапим қатъий, чинорни сен кесиб оласан.

— Ўпкангни бос, у кўчадан бизнинг одамлар ҳеч қачон юрган эмас! - жавоб қайтарди Умар Солиев. - Сен кесиб оласан!

Тамом.

Тўнлар тескари кийилди.

Ишни битиришга энди йўловчилар бел боғлашди.

Комхоздагилар газлаштириш идорасига телефон қилинглар дебди.

Газчилар электросетга қўнғироқ қилинглар, дебди.

Электросетдагилар экология билан уланинглар дебди.

Экология бўлими ободонлаштириш бошқармасидагилар шуғулланади дебди.

Бошқарма раҳбари дарахт кесишга ажратилган лимитимиз тамом бўлган дебди...

Куз тугаб, қаҳратон қиш келди.

Чинор ҳамон курашда йиқилган паҳлавондек ётибди.

Йиғлаётган бўлиши ҳам мумкин. Ёшлар устидан сакраб ўтаяпти, болалар танасини миниб ўтяпти, аёллар шоҳларини паст-баланд кўтариб, йўлакча ясаб ўтяпти.

Ўтаётганлар жуда кўп.

Сўкаётганлар ундан кўп.

Ҳаёт экан-да, гоҳо бахтсиз ҳодисалар ҳам бўлиб тураркан. Сут сотадиган аёл, ҳар қалай аёл кишида, ғўлани миниб ўтатуриб бирйўла икки банкасини синдириб, сутини тўкиб қўйибди. Қатиқчи чолнинг, шохлар орасидан энгашиб ўтаман деб, бели мертилиб қолибди. Эшагига аранг миндиришиб, "Амаки, кампирга айтинг, белингизга кепак қиздириб боссин", дея маслаҳат ҳам беришибди.

Лекин, Эй, Худойим, энди бу ёғига ўзинг эҳтиёт қилгин, судлашиш бошланадиганга ўхшаб қолди. Судьянинг қизи чинорнинг танасида, худди дорбозлардек қўлини икки томонга ёзиб, қиқирлаб кулиб у ёқ, бу ёққа юраётган экан, йиқилиб тушибди.

Боши ёрилибди.

Қон кўп оқибди.

Ваҳима кучайди.

— Энди судга ўзинг жавоб берасан! — деди тишларини ғижирлатиб Расул Тоиров.

— Йўқ, олдин сен жавоб берасан! - Умар Солиев бўш келмади.

Томонлар шошилиб ишга киришди.

Ўнг томоннинг қўлида чинорнинг йиқилишига чап томондагилар айбдор, деган асосли ҳужжат пайдо бўлди. Чап томондагилар ўнг томондагиларни айблаб, ўн бир кишига қўл қўйдириб, акт тузиб қўйишди.

Ҳужжатлар йиғиш авж олди.

Хуллас ҳимоя қалқонлари тайёрланиб, хужум қиличлари яланғочланди.

Тўсатдан ҳа, ҳа, тўсатдан, чоршанба куни тонг пайтида қатиқчи чол билан сутчи аёлни ғириллатиб чинорни арралаётган ҳолатда кўришди. Ҳар икки тараф уйларининг деразалари бири-кетин очилиб, томоша қилаётганларнинг овозлари ҳам эшитила бошлади.

— Қўшни, кўраяпсизми, чинорни арралашаётганга ўхшайди.

—Қишлоқда газ йўқ дейишади, ўтин керак бўлиб қолгандир-да.

— Қатиқчи Раҳима холани қаранг, туппа-тузук арра тортаркан.

— Чол ҳам бало экан, болта уришини қаранг.

— Вой, ўртоқжон, саксонбойу тўқсонбойлар мана шунақа чоллардан туғилади-да.

Кечга томон овозлар юқоридан эмас, пастдан эшитила бошлади. Чинорнинг шохлари кесиб олинган жойдан аёл суҳбатлашиб ўтяпти:

— Анови чол билан сутчи аёлда виждон деган нарса йўқ экан. Теп-текинга шунча ўтинни кесиб олишибдию қипиқ билан шохларининг шунчасини супириб қўяйлик ҳам дейишмабди-я!

— Э, дугонажон, ҳозирги одамларда инсоф қолибдими!..

Бас, қиссага нуқта қўйсак ҳам бўлар.

Маърифатхона

*Абдулла Қаҳҳор буюк адиб Лев Толстой асарлари тўғрисида шундай деган эди: «Унинг ёзганлари бамисоли қазига ўхшайди: чайнаганинг сайин мазаси чиқаверади".*

*Ижод аҳлини ўйлантирган бир нарса бор: Лев Толстой асарларининг бунчалик сермаъно, ҳикматларга бойлигининг сири қаерда? Ёзишларича, улуғ адиб, бундай асарларни яратиш учун бутун дунёдаги донишлар фикрини тўхтовсиз ўрганиб борган. Ҳатто, 365 варақдан иборат йиллик тақвим тузиб, унинг ҳар бирига жаҳон донишмандларининг ўгитлари, ҳикматларини жамлаган ва ҳар куни уларни ўрганиб, ёдлаб юрган.*

## Ўргатиш учун ўрганиш

***

Агар бегуноҳлик ва комилликка интилиш имкониятини намоён этаётган гўдаклар туғилмаганида бу дунё қанчалар рангсиз бўлар эди.

***

Мурувватли ва доно одамнинг биринчи ажралиб турадиган хусусияти шундаки, у ўзини жуда кам нарса биламан деб ҳисоблайди. Ўзидан кўра ақлли кишилар кўп деб билади. Ҳар доим ўргатиш эмас, ўрганиш пайида бўлади.

Жон Рёскин.

***

Одамларга баҳо бераётиб уларни нималарни билмаслигига қараб эмас, нимани қай даражада билишлари билан ўлчаш лозим.

***

Шуҳратпарастлик кишиларни табиийликдан маҳрум этади.

Люк де Вовенарг

***

Ҳеч бир ғам унинг олдидаги қўрқувдай катта эмас.

Чокке

***

Ҳақиқат сўзлари ёқимли бўлмайди. Ёқимли сўзлар ҳақиқат бўлмайди.

Меҳрибонлар баҳсчи бўлмайди, баҳслашадиганлар меҳрибон бўлмайди.

Табаррук одам ҳеч нарса йиғмайди. У бошқалар учун қанча кўп нарса қилса, шунчалик кўп нарсага эга бўлади. Унинг ақли баҳсга эмас, ҳаракатга ундайди.

***

Кўп нарсани билиб билимдонлиги билан мақтанмаслик — юксак ахлоқ. Кам нарса билиб ўзини билимдон қилиб кўрсатиш — касаллик. Буни англабгина шу касалликдан халос бўлиш мумкин.

*Лао Цзе.*

***

Билмасликдан қўрқма, сохта билимдан қўрқ. Дунёдаги ҳамма ёмонлик шундан.

Лев Толстой.

**Рустам БОЙТЎРА таржимаси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мирапимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 374. 33013 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — С. Анвар.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 2 3 4 5 6